2010 йил Баркамол авлод йили

# Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021
O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz
2010-YIL 23-FEVRAL, SESHANBA, 23 (7640) - son
1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



...Мирзачўл туманидаги Омонгелди Болиев раҳбарлик қилаётган "Ўзбекистон Бахмали" фермер хўжалиги жамоаси иссиқхонада помидор, бодринг, булғор қалампири, редиска, бақлажон, ҳар хил кўкат ва сабзавотлар етиштирмоқда...



..."Микрокредитбанк"нинг Тошкент вилоятидаги филиаллари томонидан 2009 йил давомида ажратилган жами 11,4 миллиард сўм кредитнинг 7 миллиард 189 миллион сўми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига йўналтирилган...



"Миробод" спорт комплексида спортнинг миллий яккакураш тури — ўзбек жанг санъати бўйича чемпионат ўтказилди. Чемпионат иккита: техник усулларни бажариш ва яккакураш баҳслари йўналишида ўтказилиб, унда республиканинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган 300 дан ортиқ иштирокчи қатнашди.

саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда

**Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори корхоналарни модернизациялаш ва янги технологияларни жорий қилишда муҳим омил бўлмоқда.**

## ФАН ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Юртимизда инновацион, тажриба-конструкторлик ва амалий ишланмаларни рағбатлантириш мақсадида 2008-2009 йилларда ўтказилган инновация ярмаркаларида намойиш этилган кўплаб техника ва технологиялар ишлаб чиқарувчилар томонидан амалиётга татбиқ этилмоқда.

Ушбу ярмаркаларда Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаси ҳавони тозаловчи электрофильтр, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда қўл келувчи ускуналар каби бир қатор янги ишланмалари юзасидан корхоналар билан шартномалар имзолаган эди.

Илмий жамоа яратган артезиан қудуқлардан тортиб олинаётган сувни паст частотали электромагнит майдон таъсирида ишлов беришда қўл келувчи ускуна ҳозир Бекобод туманидаги "Саломатин" дам олиш масканига ўрнатилган. Сувни электромагнит ёрдамида сифатли тозалашда қўл келувчи ушбу қурилма ихчамлиги, энергия сарфи нисбатан камлиги, қулай, осон бошқарилиши ва самарадорлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Инновацион ярмаркаларда ишлаб чиқариш корхоналарининг диққатини жалб этган ускуналардан яна бири — турли хил ўлчамли электрофильтрдир. У корхоналарни, тиббиёт муассасаларини, хоналарнинг ҳавосини турли зарарли чанглардан — аэрозол зарраларидан тозалашда қўлланилади. Маҳсулот тайёрлаш жараёнида чанг, ғубор атрофга тарқалиб, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва аҳоли соғлиғига таъсир қилишининг олдини олиш мақсадида Олмалиқ ғишт заводига ўрнатилди.

Институтда яратилган сувни томчилатиб суғориш ускунаси Сурхондарё, Навоий ҳамда Андижон вилоятида фермерлар даласида қўлланилиб, мулк эгаларининг даромадини оширмоқда. Мисол учун, Андижон вилоятининг "Хўжаобод ҳосили барака", "Шокир ота", "Ишонч" фермер хўжаликларининг пахта майдонларида мазкур ускуна қўлланилганда сув сарфи 40 фоиз тежалиб, ҳосилдорлик қарийб 15 фоиз ошди.

Илм-фаннинг амалиёт билан уйғунлашуви иқтисодий самарадорликни ошириш ҳамда корхоналарни маҳаллий хомашё асосида тайёрланган ускуна ва техника билан жиҳозлашга хизмат қилмоқда. Бундай инновация лойиҳалари муаллифига ҳам, уларни ишлаб чиқаришга жорий этувчига ҳам катта манфаат келтирмоқда.

Агросаноат ривожига хизмат қиладиган технологиялар яратиш, гидротехника иншоотларини лойиҳалаш ва ҳаётга татбиқ этишни янада кенгайтириш мақсадида тадқиқотлар олиб бораётган институт жамоаси жорий йилда бўладиган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида қарийб 20 лойиҳа билан иштирок этади. Олимлар ва магистрантлар томонидан таклиф қилинаётган ишланмаларда замонавий технологиялар кўрсаткичларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Мева, сабзавотни қуритиш ва сақлашда ҳавони ионлаштириш, қишлоқ хўжалиги экинларида учрайдиган касалликларни электр импульслар ёрдамида йўқотиш, авто ва трактор мойлаш материалларини тозалаб берувчи ускуна, сувдан самарали фойдаланишда қўл келувчи моторсиз сув кўтаргич шулар жумласидандир.

Сувдан оқилона фойдаланиш, тежаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Институтда яратилаётган лойиҳаларда бу муаммонинг ечимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар нотекс жойлашгани боис экин майдонларининг катта қисми сувни тепага кўтариб берадиган насослар ёрдамида суғорилади. Ана шундай электр двигателларининг ишлаш муддатини узайтириш мақсадида электр қувватини меъёрида етказиб берувчи қурилма яратилди. Шунингдек, амалдагисига нисбатан тежамли ва қулай янги сув кўтаргич ихтиро қилинди. Унинг ёрдамида бир кунда ариқ ва ўзанлардаги 8 тоннагача сувни электр ва ёқилғисиз, фақат сув оқими ҳисобига 30-40 метргача баландликка кўтариш мумкин.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти мутахассислари фермерларга суғориш самарадорлигини оширишда қўл келувчи яна бир технология — интер полимер комплексларни таклиф қилаётир. Бундай усулда ерни ҳайдаш, шудгорлаш жараёнида 30-40 сантиметр чуқурликка интер полимер комплекс-кимёвий модда жойлаштирилади. Унинг ёрдамида намлик яхши сақлангани боис унумдорлик ортиб, суғориш суви тежалади.

Институтда яратилган янги ихтиро — замонавий буғдой экиш сеялкаси ўзининг унумдорлиги билан амалдаги ана шундай ускунага нисбатан анча афзал. Янги сеялка донни пушталарга сепиш ва бароналаш юмушларини бир йўла бажариш орқали бир нечта техниканинг ишини уддалайди. Натижада ҳар гектардан 60 килограмм уруғлик иқтисод қилинади ҳамда ёнилғи сарфи камаяди.

Мазкур ишланмаларнинг барчаси патентлар билан ҳимояланган. Уларни ҳаётга кенг татбиқ этиш мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини кучайтириш, таннархи ва энергия истеъмолини пасайтириш имкониятини янада кенгайтиради.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## Хакан қишлоғида тропик мевалар

Андижон вилояти

**Андижон тумани Хакан қишлоғида яшовчи Нўъмонжон Абдураҳмонов бундан роса ўн йил аввал бир сотих майдонда иссиқхона қуриб, гулчиликни йўлга қўйган эди.**

**Ўтган давр ичида тадбиркор мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, жами 12 сотих майдонда тўртта иссиқхона барпо этди. Бу иссиқхоналарда эллик турдан ортиқ гул, манзарали дарахт кўчатлари ҳамда банан, мандарин сингари тропик мевалар етиштирилмоқда. Шунингдек, бу ерда кофе дарахти кўчатлари ҳам парваришланмоқда.**

**Айни кунларда гул ва манзарали дарахт кўчатлари буюртма асосида қўшни туманларга ва Тошкент шаҳрига етказиб берилмоқда.**

**Шухрат Олимов (ЎзА) олган сурат**



Навоий вилояти

## АЁЛ — ФАОЛ

**Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида катта роль ўйнамоқда.**

Бинобарин, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, етишиб чиқаётган раҳбар аёллар салоҳиятини ошириш мақсадида юртимизда эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Навоий вилояти хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги "Раҳбар аёллар" клубининг яқинда ўтказилган конференциясида бу борада эришилаётган ютуқлар алоҳида тилга олинди.

Масалан, ўтган йили хотин-қизларни иш билан таъминлаш дастури бўйича 12474 нафар киши юмушли бўлди. Тижорат банклари ва бошқа манбалар маблағлари эвазига тадбиркор аёллар фаолияти учун 8 миллиард 200 миллион сўм сарфланди. Қўмита ҳузурида ташкил этилган "Қалб меҳри" ўқув-ишлаб чиқариш ва ижтимоий-ҳуқуқий марказида ҳар чоракда 60 нафар хотин-қиз 4 хил йўналишдаги касб-ҳунарга ўргатилиб, ишга жойлаштирилмоқда. "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида олис қишлоқларда яшаётган кўплаб хотин-қизларни Марғилон ва Чуст шаҳарларига бориб, миллий ҳунарларни эгаллаб қайтишларига имкон яратилди. Вилоятда аёллар орасидан етишиб чиққан 50 нафардан зиёд олималар ҳамда юзлаб спортчи қизлар ўзлари эришаётган ютуқларини янада кўпайтириш ва сафларини кенгайтириш йўлида изланишмоқда.

**Баҳриддин САДРИДДИНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## ТАДБИРКОР — СПОРТ ҲОМИЙСИ

***Ёшликдан дурадгорлик касбини эгаллаган Шокир Мирзаев кейинроқ шу йўналишдаги ҳунар-техника билим юртини тугатди. Узоқ йиллар Қоракўл тумани уй-жой қурилиши ташкилотида ишлади. Тадбиркорликка кенг йўл очилгач, бу ҳунар билан янада жиддий шуғулланиш, тажрибаларини ёшларга ўргатиб, самарасини эл билан баҳам кўриш ниятида мебелсозликни йўлга қўйди. 2003 йилда замонавий дастгоҳлар олиб, "Ғолибмебель" ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этди. Дастлаб ишчилари оила аъзоларидан иборат бўлган корхонада ҳозирда 18 киши меҳнат қилмоқда.***

— Дастлабки ишлаб чиқарган маҳсулотларимиз атиги 5-6 хил эшик, сандиқ, дераза, бешик ва уй мебелларининг 2-3 хил кўринишдагиларигина эди. Уларни фирмамизнинг туман марказидаги биргина савдо шохобчасида сотардик, — дейди Шокир ака. — Эндиликда уй учун зарур стол-стулдан тортиб шкаф-шифоньер, мактаб учун керакли жиҳозларнинг ҳамма хили, офис ва ташкилотларга зарур барча турдаги замонавий исталган ўлчам, шаклдаги 21 турдан ортиқ мебеллар ишлаб чиқарилмоқда. Уларга вилоятимизнинг турли ҳудудларидан талаблар ва буюртмалар бор.

Туман марказида 2007 йилдан буён фаолият кўрсатаётган "Ҳунарманд Наргиз жилоси" савдо ва ишлаб чиқариш фирмаси ҳам "Ғолибмебель" муассислигида ташкил топган. Тадбиркор яхши ниятлар билан яна бир ишга қўл урган. У "Ғолибмебель" ҳомийлигида ташкил этилган "Паҳлавон-Ғолибжон-Шоҳжаҳон" спорт-соғломлаштириш клубининг иккинчи биносини қуряпти. У узунлиги 17 метр, эни 6 метр келадиган икки қаватдан иборат ўзига хос мажмуа бўлади. Ҳозирга қадар бу ерда 16 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилган.

Ўз фаолиятини бошлаганига атиги икки йил бўлган клуб вилоятдаги нуфузли жамоалардан бирига айланди. Клуб ютуқлари 5 карра Ўзбекистон чемпиони, Қозоғистон Республикаси, Россияда бўлиб ўтган қатор турнирлар совриндори, халқаро тоифадаги спорт устаси Қаҳрамон Тўраевнинг клуб бош мураббийлигидаги фаолияти билан боғлиқ.

— Шогирдларимиз турли мусобақаларда 33 та олтин, 13 та кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди, — дейди мураббий. — Биз истеъдодларни кашф этишга катта эътибор беряпмиз. Жамоамизда Ўзбекистон чемпиони бўлган ёшлар бор. Ҳасан Бозоров, Жаҳонгир Бобоқулов, Шаҳбоз Жўрақулов, Муҳиддин Меҳриддинов кабилар шулар жумласидан. Мураббийлар Мадина Ҳасанова, Мурот Баратовлар ҳам мамлакат чемпионлари. Айни пайтда улар маҳорат ва тажрибаларини ёшларга ўргатишяпти. Клубда қизлар спортини ривожлантиришда Мадинанинг алоҳида ўрни бор. У 12 нафар ёшга кикбоксинг сирларини ўргатиб келмоқда.

Уста Шокирнинг эзгу ишлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Мамлакатимиз Президенти Фармонига асосан дастлаб "Шуҳрат" медали, кейин "Меҳнат Шуҳрати" ордени соҳиби бўлди.

**Бухоро вилояти** **София МАҲМУДОВА**

*Тараққиётнинг устувор йўналишлари*

## Ижтимоий соҳа доимий эътиборда

**Фарғона туманидаги Миндонобод қишлоғи аҳолисининг шу кунларда қувончи чексиз. Чунки истиқболли аҳоли яшаш маскани сифатида эътироф этилган бу қишлоқда янги уй-жойлар жадаллик билан қурилмоқда. "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг Фарғона вилояти филиали буюртмаси асосида бу ерда дастлабки йигирмата замонавий турар-жой барпо этилмоқда. Аҳолининг талаб-эҳтиёжи, табиий-иқлим шароити ва меъморчиликнинг миллий анъаналари ҳисобга олинган ҳолда қурилаётган бу уйларни тиклашга "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан имтиёзли кредитлар йўналтирилганлиги эътиборга сазовор.**

Худди шундай уйлар ҳар бир туманда Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам лойиҳалаштирилмоқда ва қуриб битказилмоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш йўналишларига назар ташлайдиган бўлсак, ижтимоий сиёсат алоҳида ўрин тутиши, бу соҳага эътибор ғоят катта эканлиги маълум бўлади. Бинобарин, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ҳар кимнинг қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиши, малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси ва бошқа қулайликлар билан таъминланганлиги эл-юрт осойишталигига, мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб номланиши, шу асосда махсус Давлат дастурлари қабул қилиниб, уларни изчил амалга оширишга алоҳида эътибор бериб келинаётганлиги ҳар бир юртдошимизни мамнун этмоқда.

**(Давоми 2-саҳифада)**



Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**

*Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

*Ҳаёт сабоқлари*

# Тўда қишлоқлик Эргаш бувалар

**Бошқа жойлардаги каби Риштоннинг Тўда қишлоғида ҳам бир хил исмли одамларни ўзаро фарқлаш учун уларнинг исмларига қўшиб оталарининг номини ёки касби-корини, баъзан эса табиатига мос бирон-бир қиёсни қўшиб аташ удум бўлган. Масалан, Абдулҳақ Самад, Сотволди Қосим, Тожиали комбайнчи, Урайим новвой... Шу маънода Эргаш исми билан бир-бирига адаш бўлган бир гуруҳ ҳамқишлоқ отахонларнинг фазилатлари билан таништирмоқчиман.**

Эргаш Мадолим зўр аравакаш бўлган. У дастлаб қўқонарава, кейинчалик тўртта ғилдираги бўғинларига резина қопланган ва қўл тормози ўрнатилган автокачка минган. Раҳматли отам бу одам йигитлик чоғларида Оқер қишлоғидаги бир бойнинг отларига қараганини айтиб юрарди. Шу боисданми, у отни ҳам, аравани ҳам яхши билар, ҳар иккисини доим озода ва кўркам тутарди.

Юк тортадиган бақувват отларни танлаш, асовларини аравага ўргатишга моҳир эди. Олдига солинган бедага қарамай қўйган отларни даволаш сирларини ҳам биларди. "Отнинг кучи оёғида" деб, уни ўзи тақалар, "Думи қулоқларига етмайди" деганича, қулоқларининг ичларини ҳам тозалаб қўярди.

Солидол янги чиққанда ғилдирак гупчакларини мойлашни бошлаган ҳам Эргаш Мадолим бўлади. У отнинг "тили"ни тушунар эди. Бир куни Тоштемир аравакаш қанор қоплар баланд қилиб юкланган аравасини чуқурликдан чиқара олмай, аламидан отларни савалади. Орқадан етиб келган Эргаш Мадолим уни аравадан тушириб, юганни қўлига олди, отларнинг олдига ўтди, пешоналарини силаб, эркалади ва "Чу, жонивор", деб юган билан аста ҳимо қилиб юборган эди, отлар бир пишқириб олдилар ва аравани тортиб кетдилар.

* * *

**Эргаш Нуриддиннинг Эргаш ҳисобчи, Эргаш ферма, Эргаш саркор ва Эргаш раис деган номлари ҳам бор эди. Чунки у қишлоғимиздаги хўжаликда бухгалтер, чорва фермасининг мудири, бригада ва бўлим бошлиғи вазифаларида ишлаган.**

**Уруш қатнашчиси бўлган бу инсон билимдонлиги ва уддабуролиги туфайли ўзи бажараётган ишларга турли янгиликлар киритишга ҳаракат қиларди. Масалан, бухгалтерлик даврида Фарғона шаҳридаги катта магазиндан арифмометр деган янги машинкани олиб келган, уни ишлатишни тезда ўрганиб олиб, бутун бухгалтериядаги ҳисоб-китобларни бир неча бор тезлаштиришга эришган. Бу асбобнинг аниқ ишлашига шубҳа қилиб, ҳисоб натижаларини чўт соққаларини ташлаш билан қайта текшириб кўрадиган ҳамкасблари ҳам учраб турган.**

**Фермадаги зотдор соғин сигирларни ем-хашак билан рацион асосида, яъни аниқ белгиланган вақтларда меъёр билан озиқлантиришни йўлга қўйганида, баъзи молбоқарлар: "Ферма мудири ҳисобчилигига боряпти — озуқани тарозида тортиб беряпти", деб киноя қилган эканлар.**

**Эргаш Нуриддин туманда биринчилардан бўлиб ғўзанинг бош пояси ва ён шохлари учларини бир вақтда чилпишни жорий қилган, бригадаларда кўчма болалар боғчаларини ташкил этиб, уларни сут-қатиқ билан таъминлаган. Эҳтиёт қисмларни ўзининг кажавали мотоциклига юклаб, тракторчиларга далама-дала тарқатиб юрадиган тиниб-тинчимас киши ҳам шу Эргаш саркор эди.**

* * *

Бир умр мироблик қилган Эргаш полвон ўз номига ярашадиган паҳлавон курашчи эди. Олтмиш-етмиш ёшларида ҳам улоқ чопарди. Мулла Эргаш қандак ўрик ниҳолларини ўстириш, меваларини оғизда эриб кетадиган қилиб қуритиш сирларини тўла биларди. Овози ёқимли, қироати таъсирчан мулла киши эди. Эргаш Қўлдош касаба уюшмаси ходими бўлиб, йил охирида сувчи ва тракторчиларнинг бировини мажбурлаб, бошқасини алдаб-сулдаб, санаторийларга дам олишга жўнатарди. Иккинчи жаҳон урушидан жанговар орденлар билан қайтган чўрткесар ва ҳалол одам эди.

* * *

**Қўшнимиз Эргаш Мирзаали марказий устахонада трактор моторларини таъмирловчи чилангар бўлиб ишларди. Тажрибаси шу қадар катта эдики, мотордан чиқаётган тутуннинг рангига қараб қайси цилиндрдаги гилза — поршеннинг эскирганини, картердаги мой сатҳини ўлчаш орқали тирсакли валнинг детали қанчалик едирилганлигини бехато айтиб бера оларди. Бир куни Очил Бойбобо деган механизатор йигит ўзининг тиркама тракторидан Эргаш акага ҳасрат қила кетди:**

**— Тракторимнинг мотори тез-тез қизиб кетяпти, радиаторга сув қуйганим-қуйган.**

**— Радиаторга сеткали воронкасиз, пақирда сув қуйгансан, сувни эса арикдан эмас, зовурдан олгансан, — деди Эргаш ака капотни очар экан. — Шу сабабли радиаторнинг сув юрадиган найчаларига турли чиқиндилар тиқилиб қолган. Найчаларни тозалаб ташла. Бундан кейин тоза сув ишлат, ёнингда пулинг бўлса, ҳозироқ магазиндан майда сеткали воронка сотиб ол.**

**Эргаш ака нафақага чиққандан кейин то умрининг охиригача маҳалламизга оқсоқоллик қилди. У тўй-маъракаларни қишлоқда қабул қилинган меъёрларда ўтказарди — исрофгарчилик, айниқса, дабдабага сира йўл қўймасди. "Семизликни қўй кўтаради", деган маталнни тез-тез эслатиб турарди. Сал тажанг ва тиниб-тинчимас оқсоқол эди. Энг муҳими, маҳалланинг катта-кичиги унинг йўл-йўриқларига юрарди, маслаҳатларига амал қиларди.**

* * *

Эргаш Иса қишлоғимизнинг энг номдор деҳқони. Унинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари билан ўз вақтида нафақат бригада саркорлари, балки агроном ва муҳандислар ҳам ҳисоблашишган. Чунки бу инсон ғўза, беда, маккажўхори, сабзавот ва полиз экинларини парваришлаш агротехникасини, омоч, текислагич, сеялка, культиватор ва пуркагич каби техника воситаларини ростлаш, унумли ишлатиш борасида жуда билимдон эди.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида ҳамма жойда пахта чигитини квадрат уялаб экиш одат бўлди. Бу ишни бажарадиган махсус сеялка ҳам ясаб чиқарилди. Кетмон Содиқ бошлиқ бригадада кўргазмали семинар ташкил этилиб, тумандаги механизатор ва мутахассисларга янгича усулда чигит экиш тартиблари тушунтириладиган бўлди. Бунинг учун, аввало, тажрибали тракторчи ва сеялкачи зарур эди. Собир Турсун деган тракторчини тезда топишди. Сеялкачини топиш муаммо бўлаётганини эшитган механик Абдулла Мирзаали ҳеч иккиланмасдан Эргаш Исани чақириб келди. Эргаш Иса янгича усулда чигит экишни боплади: экиш дискалари тупроққа квадратлар ҳосил қилиб, чигит қадади, ҳар бир уяга иккита-учтадан уруғ белгиланган чуқурликка аниқ тушди.

Миришкор акамиз қишлоқда биринчи бўлиб ўзининг томорқасида йил бўйи бодринг, помидор ва турп етиштирган. Уларни экиш ва парваришлаш қоидаларини ҳамқишлоқларга ҳам эринмай ўргатган.

Эргаш Иса бобонинг ёши ҳозир тўқсондан ошган. Ўз маҳалласида кичиккина дўкон очиб, одамларнинг ҳожатини чиқариб келяпти. Дўконга келганлар "Уйда ёнбошлаб, дам олиб ётсангиз бўлмайдими, отахон", десалар, "Бекорчидан Худо безор, болаларим", деб қўяди.

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,**
**техника фанлари доктори,**
**профессор.**




## "Спортчилар наркомания ва жиноятчиликка қарши"

**Ана шундай шиор остида 20 февраль куни Тошкентдаги "Мирobod" спорт комплексида спортнинг миллий яккакураш тури — ўзбек жанг санъати бўйича чемпионат ўтказилди.**




Болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган чемпионатнинг очилиш маросимида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, жанг санъати федерациялари, шунингдек, ҳомий ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Чемпионат иккита: техник усулларни бажариш ва яккакураш баҳслари йўналишида ўтказилиб, унда республиканинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган 300 дан ортиқ иштирокчи қатнашди.

Яккакураш баҳсларида биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни Бухоро вилояти, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти вакиллари эгаллашди.

Техник усулларни бажаришда эса сурхондарёлик спортчилар биринчи, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри вакиллари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни олишди.

ФУТБОЛ

## Насимов "Рубин" билан шартнома имзолади



Самарқанднинг "Динамо" жамоасида тўп суриб келган ва МДҲ Кубоги турнирида "Бунёдкор" клуби таркибида иштирок этиб, ушбу турнирда урган бешта голи билан мутахассислар назарига тушган Баҳодир Насимов ниҳоят, "Рубин" клуби билан шартнома имзолади. 22 ёшли футболчининг Қозон шаҳри жамоаси билан тузган шартномаси уч йилга мўлжалланган. Бу ҳақда Россия чемпиони — "Рубин" клубининг расмий сайти хабар тарқатди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Тошкент вилояти Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаси қошидаги "Toshkent viloyati davlat mulkini ijaraga berish markazi" хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, давлат мулкидан янада оқилона фойдаланиш учун қуйидаги туманларда жойлашган бинолардаги бўш майдонларни ижарага олишга таклиф этади:**

| Т/р | Балансда сақловчи номи | Бино ёки асосий восита номи | Бино манзили (жойлашган жойи) | Фойдаланиш мақсади | майдони: бино ва иморатлар (м²) | майдони: ер участкаси (га) | Ижара муддати | телефон |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | **Оққўрғон тумани** | | | | | |
| 1 | Тошкент вилояти бошбекатлари ва йўловчи шоҳбекатлари ишлаб чиқариш бош корхонаси | "Оқ-қўрғон" автошоҳбекати | Оққўрғон тумани, Оққўрғон ш. | Аптека, дўкон сифатида фойдаланиш мумкин | 215,5 | 0,5 | 1 йил | 564-12-40 |
| | | | **Қибрай тумани** | | | | | |
| 2 | Республика Агрохимстанцияси | Омборхона | Қибрай тумани, Салар ш.ф.й. Бобур кўчаси, 8-уй | Омборхона, ишлаб чиқариш цехи сифатида фой. учун ижарага беришни таклиф қилади | 90 | 5 | 2010 йил. | 919-78-58. |
| 3 | 2519-Автожамланма давлат корхонаси | Бокс биноси | Қибрай туман, Тузел ҚФЙ. | Ишлаб чиқариш цехи сифатида фой. учун ижарага беришни таклиф қилади | 400 | | 1йилдан, 5 йилгача | 919-78-58 |
| | | | **Ўрта Чирчиқ тумани** | | | | | |
| 4 | Тошкент вилояти бошбекатлари ва йўловчи шоҳбекатлари ишлаб чиқариш бош корхонаси | "Той-тепа" автошоҳбекати | Ўрта Чирчиқ тумани, Тўй-тепа ш. | Аптека, дўкон сифатида фой. мумкин | 37,7 | 0,5 | 1 йил | 8-370-76-20-993 |
| | | | **Юқори Чирчиқ тумани** | | | | | |
| 5 | 6-сонли умумий ўрта таълим мактаб | Буфет хонаси | Янгибозор қўрғони, Умарбеков кўчаси | Буфет сифатида фойдаланиш учун ижарага беришни таклиф қилади | 52,36 | | 2010 йил | 900-77-54 |
| 6 | Юқори Чирчиқ педагогика коллежи | Стоматология | Юқори Чирчиқ тумани, Жумабозор қишлоғи | Стоматология сифатида фойдаланиш учун ижарага беришни таклиф қилади | 13 кв.м. | | 2010 йил | 900-77-54 |

Ижарага олиш бўйича қўшимча маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитаси биносида жойлашган "Toshkent viloyati davlat mulkini ijaraga berish markazi" (11-қаватнинг 11-хонаси) дан ёки 259-22-18 (факс), 259-21-46 телефон рақамларига мурожаат қилиш орқали олишингиз мумкин. Ижара шартномасига коммунал ва хизмат кўрсатиш тўловлари кирмайди.

**Манзил : Тошкент шаҳар "Ўзбекистон" шоҳ кўчаси 55-уй.**


ДИҚҚАТ!
"ЎЗРУБЕРОИД" МЧЖ
корхоналар ва аҳолидан ишлатилган латта ва қоғоз парчалари сотиб олади.
Мурожаат учун телефонлар: (8-369) 443-11-86; 433-15-05; 433-15-02.
Корхона манзили: Наманган вилояти Поп тумани Исковут — 19-уй.


"Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" газеталари таҳририяти жамоаси таҳририят масъул котиби Муҳиддин Абдусаматовга қизи **ДИЛНУРА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


SYNGENTA воситалари ҳосилингизни сақлаш гаровидир
VERTIMEC PolytrinKa Maxim FUSILADE FORTE
Topik Topas Solito Ураган
PEAK Dividend ALTOsuper KARATE
Gesagard ENGEO ACTELLIC CRUISER
Махсус дўкон, мўлжал «Лимонарий»
«Syngenta Agro Ag» компаниясининг Ўзбекистонда расмий дистрибьютери, «ROSITA» МЧЖ
100000, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани,
Ҳ. Олимжон майдони «Пойтахт» бизнес комплекси
Тел.: (+998 97) 111-23-74, (+998 90) 975-44-04
(+998 71) 140-70-77 E-mail: rosita@gmail.com
RoSita



Тошкент ш. С.Раҳимов т. ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "NUR OMAD MEBEL" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "NUR OMAD MEBEL" хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилади.

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан 27.01.2010 йили "TOJ-TRANS-BAT" МЧЖга расмийлаштирилган халқаро юк ташиш учун МАН T32TFGO LFDKFN давлат рақами 30B1405 юк автоси учун берилган АТ № 0014329 лицензияси ва 10С 599 давлат рақамли SN 24. ярим тиркама учун берилган АТ № 0014330 лицензияси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ДУК томонидан Чилонзор т. Фарҳод к. 19/1 манзили учун жисмоний шахс Тешаев Нодиржон Толибович номига берилган № 10030302050035 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Юнусобод т. ҳокимлиги томонидан "ABU BAKIR SIDIQ SERVIS" МЧЖга 31.07.2008 йили берилган реестр № 004002-10 сонли юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаси штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный оригинал Устава ООО "ULUG'BEK-NURLI-DIYORI" (ИНН 300088515) Чиланзарского р-на г.Ташкента, считать недействительным.

Тошкент вил. Юқори Чирчиқ т. 26-ўрта мактаб томонидан 1992 йили Куттибаева Гаухар Исеркеповна номига берилган А № 024556 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный гос.ордер и план на квартиру по адресу: г.Ташкент Чиланзар кв-л 16 д. 1 А кв-ра 40, выданные БТИ Чиланзарского р-на и оригинал договора купли-продажи (покупатель Юсупов А.Р.) от 22.01.2005 г. (реестр № 173), выданные на имя Юсупова Аслиддина Руйиддиновича, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер права собственности на квартиру № 04-01/13640 гос.регистр.: 04-14287 по адресу: ул.Х.Абдуллаева д.122/1 кв-ра 90, выданный 20.02.1993 г. хокимиятом М.Улугбекского р-на г.Ташкента на имя Безояна Степана Месроповича главным управлением коммунальной собственности и приватизации исполнительного аппарата хокима г.Ташкента, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер на право собственности № 612 на нежилое помещение расположенное по адресу г.Ташкент ул.Чиланзарская д.83, выданный Ташкентским гор.управлением Госкомимущества РУз 29.12.2002 г. на ООО "TRIKOTAJ USTA", считать недействительным.

ЧП "MAHINAXON", зарегистрированный в Яккасарайском р-не г.Ташкента реорганизуются на ООО "MAHINAXON". Претензии принимаются по тел.: 313-63-65 (моб.).

ЧП "MEHR TELEKOM PLUS" (код по ОКПО 23023201, ИНН 301395727), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу ул.Байналминал д.37, ликвидируется (приказ учредителя № 2 от 22.02.2010 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 242-31-31.

ДП "SPETSMONTAJ NEFTGAZ" (код по ОКПО 22201182, ИНН 300709444) Яккасарайского р-на г.Ташкента, сообщает о реорганизации в ООО "SPETSMONTAJ NEFTGAZ", с переходом всех прав и обязательств ДП "SPETSMONTAJ NEFTGAZ" к ООО "SPETSMONTAJ NEFTGAZ". Тел.: 273-08-58.



"ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА
МАКСИМАЛ
ЧЕГИРМА
AVTODOM PLUS
"ГАЗ" РУСУМИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
WWW.AUTO.UZ





Шунингдек, сотувда "ВАХТАВЫЙ" автомобиллари ҳам мавжуд.
Автосалон:
Тошкент ш., Бунёдкор кўч. 118.
Тел.: (99871) 140-41-21, 140-41-22.
Офис:
Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз кўч. 16 "а"/
Тел./факс: (99871) 256-03-62, 256-13-01.



Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Зафар РЎЗИЕВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ағитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими— 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси — 352-54-58; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 593-27-57; Жиззах — 366-61-16; Навоий — 224-69-08; Наманган -224-81-69; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 588-06-89; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 520-69-14; Қашқадарё — 221-59-40; Сурхондарё — 392-50-42.

Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
(т)-тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Навбатчи: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ: С.ҚОДИРОВ
Дизайнер: Ю.МИХАЙЛОВСКИЙ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-117, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.20
20030 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
2 3 4 5